



PREVENTING AND COMBATING CORRUPTION-RELATED OFFENSES IS THE GUARANTEE OF THE COUNTRY'S FUTURE

B.A. Ulugbekov

Deputy Head of the Institute for Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14892245>

ARTICLE INFO

Received: 13rd February 2025

Accepted: 16th February 2025

Online: 19th February 2025

KEYWORDS

Offenses, corruption, prevention, combating, society.

ABSTRACT

In this article, the opinions of legal scholars on the topic of preventing and combating corruption-related offenses as a guarantee of the country's future were examined, and the author developed proposals and recommendations.

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИНИНГ ГАРОВИ

Б.А. Улугбеков

ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг ўринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14892245>

ARTICLE INFO

Received: 13rd February 2025

Accepted: 16th February 2025

Online: 19th February 2025

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар, коррупция, профилактика, қарши курашиш, жамият.

ABSTRACT

Ушбу мақолада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш мамлакат келажагининг гарови мавзусида ҳуқуқшунос олимлар фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Давлат ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келадиган, жамоатчилик институтларининг нормал фаолият юритиши ва механизмга путур етказадиган, жамиятда давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизликни вужудга келтирадиган ҳамда мамлакат хавфсизлигига хавф туғдирадиган, шунингдек, мамлакатнинг молиявий-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, давлат бошқаруви ва тадбиркорликнинг самарадорлигини пасайтирадиган ҳамда инвестицион муҳитни ёмонлаштирадиган ва ижтимоий тенгсизлик келтириб чиқарадиган иллат бу – коррупциядир.

Қайд этиш лозимки, давлат келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга қарши кураш нафақат юртимизда балки, халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, коррупция сўзи, лотинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «сотиб олиш», «пора» деган маъноларни билдиради¹. Бирлашган Миллатлар

¹ Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – Б. 84.



Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенцияси»да «Коррупция – шахсий наф кўриш мақсадида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»² деб қайд этилган. Хусусан, бугунги кунда дунё ҳамжамиятида бот-бот қайд этилаётган ушбу тушунчага Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»³ги қонунида «коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш» деб таъриф берилган.

Мутахассис Б.И. Исмаилов, коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ жиноят. Коррупция деганда, аксарият ҳолларда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади⁴ деган фикрни илгари суради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон амалиётида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уни олдини олишга қаратилган тегишли ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланиб бормоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 йил), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 йил), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 йил), Миллатлараро уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 йил), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция (2008 йил) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда унга қарши курашда ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенция коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжатлардан бири бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 130 дан ортиқ давлатлари томонидан ратификация қилинган. Мазкур ҳужжатда коррупция жиноятининг моҳияти очиқ берилган ва унга қарши кураш чоралари белгилаб берилган.

Қайд этиш керакки, ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига қаршилик кўрсатишини инобатга олиб коррупцияни миллий хавфсизликка таҳдид сифатида баҳолашимиз мумкин. Хусусан, юртимизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ҳамда уни олдини олишга қаратилган юқорида қайд этилган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт йил сайин шакллантирилиб, такомиллаштирилиб бормоқда. Бошқача айтганда, юртимизда жамиятимиз келажагининг таназзули бўлмиш

² Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 г.).

³ Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁴ Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий асослари. Маъруза матни. –Т., 2013. –Б. 2.



коррупцияни олдини олиш, унга қарши кураш, давлат қурилиши ва бошқарувининг барча соҳаларида демократик ислоҳотлар ўтказиш, хавфсизлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган ва Конституцияга асосланган мустақкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилмоқда.

Жумладан, юртимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қанча муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»⁵ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги Фармонларининг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, бугунги кунда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида коррупциянинг турли кўринишларини олдини олиш ва унга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масалалардан бири бўлиб, давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Хусусан, 2008 йил 7 июль куни Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»⁷ги қонуннинг (ЎРҚ-158-сон) қабул қилиниши билан мазкур ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича мамлакатимиз халқаро мажбуриятларни қабул қилди ва шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»⁸ги қонуни қабул қилинди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича самарадорликни ошириш, юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ижобий томонлама ошириш мақсадида ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси⁹да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-419-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги ЎРҚ-158-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁰ги Фармонининг 1-илоvasида «2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури» ҳамда 2-илоvasида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»¹¹ги ПФ-158-сон Фармонида коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг мақсадларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кун жаҳон амалиётидаги каби юртимизда ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупциянинг турли кўринишларини сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда. Хусусан, ҳозирги тезкор замонда давлат ва жамият келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси муҳим ўрин тутаяди. Чунки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ва ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, коррупцияга қарши курашишнинг асосини ташкил этади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, агар маълум бир давлатда унинг органлари ва мансабдор шахслари ўртасида коррупция ҳолатлари кучайиб, ривожланиб борса, мазкур ҳолатга қарши ўз вақтида кескин чоралар кўрилмаса, мазкур давлат қанчалик қудратли бўлмасин, ер ости ва усти бойликларга эга бўлмасин, унинг натижаси нафақат иқтисодий, балки сиёсий инқироз билан якун топиши айна ҳақиқатдир.

Қайд этиш лозимки, коррупция бугунги кунда жамиятимизда давлат органларига нисбатан халқ ишончини сусайтиради, иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий адолатга тўсқинлик қилади, жамиятдаги маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишда ушбу фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар қуйидаги амалий тадбирларни доимий равишда амалга ошириб боришлари мақсадга мувофиқдир:

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» ги ПФ-158-сон Фармони // // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.



1). Ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳолини комплекс ўрганиш ҳамда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилиш;

2). Юртимиз ижтимоий ҳаётида, аввало давлат органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш чораларини кўриш;

3). Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар томонидан илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

4). Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

5). Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар томонидан фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда кенг кўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш.

Хулоса сифатида қайд этишимиз лозимки, давлатимиз ва жамиятимиз келажагининг таназзули бўлмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича давлат сиёсати ҳар томонлама тўлиқ, изчил ва самарали амалга оширилиши давлат органларига фуқароларнинг ишончи ортишига, давлат органлари ваколатига кирувчи масалаларни аниқ, ўз вақтида ва холис ҳал қилинишига, пировардида, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг бахту-иқболи ва фаровонлиги ҳамда мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, халқаро обрў-эътибори ва нуфузи ошишига ва таъминланишига хизмат қилади. Бошқача айтганда, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш мамлакат келажагининг гаровидир.